

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар
миллий маркази

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-
тадқиқот институтининг 2020 йилдаги илмий ва
амалий фаолияти якунлари бўйича

ҲИСОБОТИ

Гулбаҳор – 2021

М У Н Д А Р И Ж А

	бет
Кириш	3
I. Институт томонидан 2020 йилда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари	4
II. Институтда эришилган натижаларни кўргазмалар ва оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот қилиш ишлари	13
III. Институт тажриба участкаси фаолияти тўғрисида маълумот	14
IV. Вазирлик, агрокластерлар ва фермерларга тақдим этилган таклиф ва тавсиялар тўғрисида маълумот	14
V. Илмий ишланмаларнинг қишлоқ хўжалигига жорий этилганлиги тўғрисида маълумот	15
VI. Институт ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган тадбирлар ҳақида маълумот	16
VII. Илмий-тадқиқотлар ва хорижий алоқаларни мувофиқлаштириш.....	17
VIII. Институтни ёш илмий кадрлар билан таъминлаш ва юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш	18
IX. Институт томонидан 2020 йилда йўл қўйилган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича 2021 йил учун мўлжалланган тадбирлар	18

КИРИШ

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ўзбекистонда янги қишлоқ хўжалиги машиналарини яратиш ва техника воситаларидан фойдаланиш даражасини оширишга доир назарий-инновацион изланишлар билан шуғулланадиган таянч илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 10 февралдаги ПҚ-2125-“Ўзбекистон қишлоқ илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида кўрсатилган вазифаларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7-августдаги ПҚ-436 “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 45-сонли қарорида белгиланган вазифалар асосида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг тегишли топшириқларини бажариб келмоқда.

Ҳисобот йилида институтда бажарилиши 2017-2020 йилларга мўлжалланган **2 та** фундаментал, бажарилиши 2018-2020 йилларга мўлжалланган **10 та** амалий, бажарилиши, бажарилиши 2019-2021 йилларга мўлжалланган **4 та** инновация, бажарилиши 2019-2021 йилларга мўлжалланган халқаро ҳамкорликдаги **1 та** лойиҳа ҳамда, бажарилиши 2020-2021 йилларга мўлжалланган **2 та** тажриба-конструкторлик лойиҳалари, **жами 19 та** лойиҳа бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Институтда бажарилган илмий-тадқиқот ишлари қишлоқ хўжалиги энергетикаси, пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавот-полизчилик, картошкачилик ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган янги энергия ва ресурстежамкор технологиялар ва деҳқонбоп машиналарни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, деҳқончилик ишлари сифати ва унумини ошириш, маҳсулот таннархи, меҳнат ва материаллар сарфини камайтириш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш каби долзарб муаммоларни илмий-амалий ечимларини топишга қаратилган.

2020 йилда институтнинг илмий, амалий ва хўжалик фаолиятида жами бўлиб **119 нафар** илмий ва техник ходимлар меҳнат қилди. Шундан **81 нафар** ходим илмий-тадқиқот ишларида, **48 нафар** ходим ишлаб чиқариш ишларида (тажриба участкаси, АМТПлар)да фаолият олиб борди. Институтда илмий ходимлар **42 нафар** бўлиб, улардан **6 нафари** фан доктори, **16 нафари** эса фан номзодларидир. Шунингдек институтда **2 нафар** докторант, **9 нафар** таянч докторант, **11 нафар** мустақил тадқиқотчи изланишлар олиб боришди.

I. Институт томонидан 2020 йилда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари

Институтда олиб борилган **2 та** фундаментал, **10 та** амалий **4 та** инновация, **1 та** халқаро ҳамкорликдаги ҳамда **2 та** тажриба-конструкторлик лойиҳалари бўйича тадқиқот ишларида қуйидаги натижаларга эришилди:

Фундаментал тадқиқотлар

ВА-КФА-2-002. “Ўзбекистон чўл чорвачилиги (қоракўлчилиги)нинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун табиатни асровчи, энергия ва ресурс-тежамкор механизацилашган технологиялар ва машиналар комплексини яратишнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари, т.ф.д., профессор М.Т.Тошболтаев.

Чўл озуқа экинларини хашак ва уруғ учун йиғадиган энергиятежамкор технология ва техника воситаларини яратишнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Бундай экинлар ва уруғларни машиналар билан йиғиштириш жараёнларининг блок-схемалари, динамик-математик моделлари ва аналитик боғланишлари олинди. Мавжуд машиналар ва технологиялар такомиллаштирилди.

Олинган натижалар асосида 2020 йилда халқаро ва республика миқёсидаги конференцияларда 4 та, хорижий илмий журналда 1 та мақола ва 1 та монография чоп этилди.

ҚХФ-2-001. “Тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлиги барқарорлигини таъминлашнинг илмий асослари” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари, т.ф.д., профессор А.Тўхтақўзиев.

Лойиҳанинг иш дастури доирасида 2020 йилда ўтказилган тадқиқотларда олинган натижаларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланди ҳамда улар тегишли ва ваколатли ташкилотларга топширилди, ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланиладиган тажрибавий машиналар, қурилмалар ва иш органларининг хўжалик синовлари ўтказилди, ерларга асосий ишлов беришда қўлланиладиган тажрибавий машина ва қурилмаларнинг хўжалик синовлари ўтказилди, ўтказилган тадқиқотлар умумлаштирилди, улар бўйича монография, юқори импакт факторли илмий журналларга мақолалар ёзилди ва чоп этилди.

Олинган натижалар лойиҳа режаси бўйича кейинги тадқиқотларни бажаришда илмий асос вазифасини бажаради ҳамда уларни Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўллаш пахта, буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга сарфланадиган харажатларни 1,2-1,3 марта камайтириш ва улар ҳосилдорлигини 12-15 фоизга ошириш имконини беради.

Олинган натижалар асосида 6 та хорижий, 4 та республика илмий журналларида, 3 та халқаро ва 6 та республика конференцияларда мақолалар чоп этилган ҳамда 1 та монография нашр этилган.

Амалий тадқиқотлар

ҚХ-Атех-2018-(152+349).“Қишлоқ хўжалиги соҳаларини комплекс механизациялашнинг истиқболга мўлжалланган машиналар ва технологиялар тизимини ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари, т.ф.н. А.Х.Ражабов

I-қисм. ҚХ-Атех-2018-349 “Қишлоқ хўжалиги соҳаларини комплекс

механизациялашнинг истиқболга мўлжалланган машиналар ва технологиялар тизимини ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳанинг масъул ижрочиси, т.ф.н. Ё.Б.Холиёров.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган техникалар каталоги 1-2 қисмлари (1-бўлими. Энергетика, юклаш ва транспорт воситалари; 2-бўлими. Тупрокка ишлов бериш ва мелиорация машиналари; 3-бўлими. Экиш, экинни парваришлаш ва ҳосилни йиғиштириш машиналари, 4-бўлими. Сабзавотчилик ва полизчилик машиналари; 5- бўлими. Боғдорчилик ва узумчилик машиналари; 6-бўлими. Кичик механизация воситалари) тайёрланди. Дехқончиликнинг истиқболга мўлжалланган комплекс механизациялаш бўйича машина ва технологиялар тизими тайёрланди. Ўрмон хўжалиги ва декоратив боғдорчилик йўналиши бўйича технологиялар ва техник воситалар каталогининг 2-томи чоп этилди ва амалиётга жорий этилди.

Олинган натижалар асосида 1 та китоб, 1 та хорижий илмий журналларда, 6 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган. 1 та Ўзбекистон патентлари олинган ҳамда янги техник ечимларга патент олиш учун 4 та талабнома жўнатилган.

II-қисм. ҚХ-Атех-2018-152 “Ўза майдонларига трихограмма тарқатишнинг механизациялашган технологиясини ишлаб чиқиш ва техник воситасининг параметрларини асослаш” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари, т.ф.н. А.Х.Ражабов

Пахта майдонларига трихограмма тарқатадиган техника воситаси тажриба нухасининг II-босқичда аниқланган камчиликларни бартараф этилиб ясалди, лаборатория, дала ва хўжалик ўтказилди. Тажриба нухасининг агротехник ҳамда техник-иктисодий кўрсаткичлари аниқланди. Ишлаб чиқилган қурилманинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Олинган натижалар бўйича 3 та маҳаллий илмий журналларда, 1 та халқаро ва 1 та республика конференцияларида илмий мақолалар чоп этилган ҳамда 1 та Ўзбекистон патенти олинган.

ҚХ-Атех-2018-(155+393). “Тупроққа кўрсатадиган босими тез ва енгил ростланадиган кенг қамровли осма мола-текислагич ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари, т.ф.д., профессор А.Тўхтақўзиев.

I-қисм. ҚХ-Атех-2018-155 “Тупроққа кўрсатадиган босими тез ва енгил ростланадиган кенг қамровли осма мола-текислагич ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари, т.ф.д., профессор А.Тўхтақўзиев

Ишлаб чиқилган мола-текислагич тажриба нухасининг агротехник, энергетик ва эксплуатацион кўрсаткичларини ўрганиш бўйича кенг хўжалик синовларини ўтказилди. Унинг техник-иктисодий кўрсаткичлари аниқланди. Мола-текислагич тажриба нухасининг конструктив схемаси, технологик иш жараёни ва параметрлари бўйича тавсиялар тайёрланди. Ишлаб чиқилган мола-текислагични ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш бўйича лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари “БМКБ-Агромаш” ва “Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникалари заводи” АЖ га топширилди.

Олинган натижалар бўйича 1 та хорижий ва 2 та республика илмий журналларда, 6 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси патентини олиш учун 1 та талабнома жўнатилган.

II-қисм. ҚХ-Атех-2018-393 “Тупроқни такрорий экинлар экишга турли хил усулларда (ёппасига, пушта ёки жўяк олиб) тайёрлаш учун тез алмашинувчи

унификациялашган иш органларига эга комбинациялашган машинани ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳанинг масъул ижроچиси, т.ф.н., к.и.х. Б.В.Хушвақтов.

Тез алмашинувчи унификациялашган иш органларига эга комбинациялашган машинанинг параметрлари ва иш режимларига аниқликлар киритилди ҳамда унинг тажриба нусхаси қайта ишланди. Тез алмашинувчи унификациялашган иш органларига эга комбинациялашган машинанинг синовлари ўтказилиб, унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари аниқланди.

Олинган натижалар бўйича 1 та республика илмий журналларда, 1 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган.

ҚХ-Атех-2018-(154+156) “Юк кўтарувчанлиги юқори бўлган тиркамалардан ташкил топган трактор поездининг иш унумини ва ундан фойдаланиш даражасини икки марта оширишга доир илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари, т.ф.д., профессор М.Т.Тошболтаев.

I-қисм. ҚХ-Атех-2018-156 “Юк кўтарувчанлиги юқори бўлган тиркамалардан ташкил топган трактор поездининг иш унумини ва ундан фойдаланиш даражасини икки марта оширишга доир илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари, т.ф.д., профессор М.Т.Тошболтаев

Трактор поезди ҳаракатининг механик-математик моделлари ишлаб чиқилди. Мавжуд трактор тиркамалари билан агрегатланадиган трактор русумини танлашнинг назарий ва ҳисобий алгоритмлари ишлаб чиқилди. Юк кўтарувчанлиги 4, 6 ва 8 тоннали тиркамалар ва юқори қувватли, тезлик диапазони кенг бўлган замонавий транспорт тракторларидан иборат трактор поездларининг турли қопламали йўлларда барқарор ҳаракатланишини таъминловчи тракторлар русумлари, агрегатланадиган тиркамалар сони ва ҳаракат тезликлари қийматлари асосланди. Юк кўтарувчанлиги ва иш унуми юқори трактор поездини тузиш ва ундан фойдаланиш даражасини оширишга доир тадқиқот натижалари билан илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқилди. Мазкур тавсияларни амалиётда фойдаланиш учун «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» ва “Трактор” маҳсус конструкторлик бюросига топширилди.

Олинган натижалар бўйича 1 та хорижий илмий журналларида, 2 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган.

II-қисм. ҚХ-Атех-2018-154 “60 см ғўза қатор ораларида кенг қамровли машиналар билан қўшиб ишлатиладиган 4К4 схемадаги чопиқ тракторининг параметрлари ва агротехник кўрсаткичларини асослаш” лойиҳаси, лойиҳанинг масъул ижроچиси, т.ф.н., доцент Б.А.Қамбаров

60 см қатор ораларида ишлатиш учун ҳар хил колеяли 4К4 схемадаги пахтачилик чопиқ тракторини кенг қамровли асосий пахтачилик машиналари билан агрегатланиши баҳоланди. Ҳар хил колеяли 4К4 схемадаги пахтачилик чопиқ тракторини кенг қамровли машиналар мажмуи билан 60 см қатор ораларида ишлатишдаги агротехник кўрсаткичларини тадқиқ этилди. 60 см ғўза қатор ораларида ҳар хил колеяли тажрибавий 4К4 пахтачилик трактор макети асосида тузилган кенг қамровли пахтачилик МТАларини эксплуатацион-технологик ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. 60 см ғўза қатор ораларида ишлатиладиган ҳар хил колеяли баланд агротирқишга эга 4К4 схемадаги пахтачилик чопиқ тракторига дастлабки талаб ва техник топшириқ ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олинган натижалар бўйича 1 та хорижий ва 2 та республика илмий журналларда, 2 та халқаро ва 2 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган ҳамда янги техник ечимга 1 та патент олинган.

ҚХ-Атех-2018-(153+157).“Дуккакли экинлар уруғининг сифат кўрсаткичларини ошириш учун модернизациялаштирилган электр саралагич қурилмасини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш” лойиҳа раҳбари, т.ф.д., академик А.Х.Хаджиев

I-қисм. ҚХ-Атех-2018-153 “Дуккакли экинлар уруғининг сифат кўрсаткичларини ошириш учун модернизациялаштирилган электр саралагич қурилмасини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш” лойиҳаси, лойиҳанинг масъул ижрочиси, т.ф.н., к.и.х. А.Т.Росабоев.

Модернизациялаштирилган электр саралагич қурилмасининг тажриба нусхасини лойиҳа-конструкторлик хужжатлари ишлаб чиқилиб, чизмаларга аниқликлар киритилди ҳамда тажриба нусхаси тайёрланди ва монтаж ишлари олиб борилиб, ишга туширилди. Дуккакли экинлар уруғини модернизациялаштирилган электр саралагич қурилмасида саралаш бўйича кенг миқёсда экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Сараланган дуккакли экинлар уруғи кенг миқёсда дала шароитида синаб кўрилиб, қурилмадан фойдаланиш бўйича тавсия тайёрланди.

Олинган натижалар бўйича 3 та хорижий ва 7 та республика илмий журналларда, 12 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган. Янги техник ечимга 1 та патент олинган ҳамда 1 та талабнома жўнатилган.

II-қисм. ҚХ-Атех-2018-157 “Иш органлари тез ростланадиган ва осон алмашадиган қатор ораларига ишлов берувчи ҳамда ўғит солувчи комбинациялашган агрегатни ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари т.ф.д., академик А.Х.Хаджиев

Дастлабки синовлар натижалари бўйича иш органлари тез ростланадиган ва осон алмашадиган қатор ораларига ишлов берувчи ҳамда ўғит солувчи комбинациялашган агрегатнинг тажриба нусхаси такомиллаштирилди. Қатор ораларига ишлов бериш ва ўғит солишда унинг кенг хўжалик синовлари ўтказилди. Иш органлари тез ростланадиган ва осон алмашадиган қатор ораларига ишлов берувчи ҳамда ўғит солувчи комбинациялашган агрегатнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди ҳамда ундан фойдаланиш бўйича тавсия тайёрланди.

Олинган натижалар бўйича 2 та республика илмий журналларда, 1 та халқаро конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган. Янги техник ечимга патент олиш учун 1 та талабнома жўнатилган.

ҚХ-Атех-2018-(226+230)“Боғ ва узумзор қатор ораларига ишлов бериш учун энергиятежамкор машиналарни ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш” лойиҳаси, лойиҳанинг масъул ижрочиси, т.ф.н., к.и.х. Б.В.Хушвақтов.

Текис шудгорлаш учун боғдорчилик плуги, узумзорлар қатор ораларига ишлов берадиган машинанинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилди. Боғ ва узумзорлар қатор ораларига ишлов берадиган машиналарнинг лаборатория-дала синовлари ўтказилди. Боғ ва узумзорлар қатор ораларига ишлов берадиган машиналардан фойдаланиш бўйича тавсиялар тайёрланди. Боғ ва узумзорлар қатор ораларига ишлов берадиган машиналарнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари аниқланди.

Олинган натижалар бўйича 2 та хорижий ва 4 та республика илмий журналларда, 4 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган.

МВ-Атех-2018-(60+223) “Дехқон ва фермер хўжаликларида сабзавот ва картошка етиштириш учун мотоблокнинг конструктив параметрларини асослаш, техника воситаларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари, т.ф.д., профессор Р.И.Байметов.

I-қисм. МВ-Атех-2018-223 “Дехқон ва фермер хўжаликларида сабзавот ва картошка етиштириш учун мотоблокнинг конструктив параметрларини асослаш, техника воситаларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари, т.ф.д., профессор Р.И.Байметов.

Кенг хўжалик синовларини ўтказиш учун мотоблокнинг такомиллаштирилган култиватор, сеялка, картошка экич ва картошка ковлагич техника воситалари тайёрланди. Мотоблокнинг такомиллаштирилган култиватор, сеялка, картошка экич ва картошка ковлагич техника воситаларининг кенг хўжалик синовлари ўтказилди. Мотоблок учун ишлаб чиқилган техника воситаларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари аниқланди. Мотоблок учун ишлаб чиқилган техника воситаларга тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олинган натижалар бўйича 2 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган.

II-қисм. МВ-Атех-2018-60 “Майда уруғли сабзавот экинларини етиштириш ва пиёз йиғиштириш техника воситалари комплексини ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳа масъул ижрочиси т.ф.н., к.и.х. А.А.Ибрагимов

Майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини экадиган ва пиёз йиғиштирадиган техника воситаларининг тажриба нусхаси такомиллаштирилди. Майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини экадиган ва пиёз йиғиштирадиган техника воситаларининг тажриба нусхалари хўжалик синовлардан ўтказилди. Майда уруғли сабзавот экинлари уруғларини экадиган ва пиёз йиғиштирадиган техника воситаларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқланди ва улардан фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Олинган натижалар бўйича 1 та хорижий илмий журналларда, 1 та халқаро ва 3 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган.

МВ-Атех-2018-92+БВ-Атех-2018-13 “Юқори техник кўрсаткичли 60 см қатор оралиғи учун тўрт қаторли ярим тиркамали вертикал шпинделли пахта териш машинасини ишлаб чиқиш (бир терим учун мослашган)” лойиҳаси, лойиҳа масъул ижрочиси, т.ф.н. С.Ўсаров.

4-қаторли пахта териш машинаси тайёрланди ва йиғиш жараёнида терим аппаратининг технологик параметрлари текширилди ва аниқланди. 4-қаторли пахта териш машинасининг синаш дастури ва усули тузилди, ҳамқор ижрочиларга муҳокама учун юборилди, келишиш ишлари олиб борилди ва тасдиқланди. Синовлар ўтказиш учун пахта майдонларида пахта ҳосилини етиштириш ишлари амалга оширилди. Пахта даласи машина теримига тайёрланди. 4 қаторли машинанинг синовлари, таклиф этилаётган пахта териш технологиясининг дала синовлари ўтказилди.

Олинган натижалар бўйича 4 та халқаро ва 2 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган. 2 та Ўзбекистон патенти олинган ва янги техник ечимга патент олиш учун 1 та талабнома жўнатилган.

МВ-Атех-2018-242. “Ишлов беришда мевали дарахт қаторлари устидан ҳаракатланадиган баланд клиренсли портал типигаги боғ ва ток тракторининг параметрларини тадқиқ этиш ва асослаш” лойиҳаси, лойиҳанинг масъул ижрочиси И.О.Тўланов.

Қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларига талаб этиладиган қувват, тортишга қаршилигини баҳоловчи кўрсаткичларини ўрганилди ва ҳисобланди. Тупроққа рухсат этилган босим бўйича меъёрларни қаноатлантирувчи ҳаракатлантиргичлар ўрганилди ва тури танланди. Ишлов беришда мевали дарахт қаторлари устидан ҳаракатланадиган баланд клиренсли портал типигадаги боғ ва ток тракторининг асосий параметрлари илмий асосланди ва унга бошланғич талаблар ишлаб чиқилди. Трактор якуний компоновкаланди. Бошланғич талаблар келишилди ва тасдиқланди. Тасдиқланган дастлабки талаблар, техник топшириқ ва лойиҳа конструкторлик ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун тракторни лойиҳаловчи ташкилотга топширилди.

Олинган натижалар бўйича 2 та хорижий ва 3 та республика илмий журналларда, 1 та халқаро ва 3 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган.

ФА-Атех-2018-334. “Кенг қамровли культиваторга комбинациялашган механизмлар ва мақбул схемалар ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳа масъул ижрочиси, т.ф.н. Б.Р.Қурамбоев.

Кенг қамровли қатор оралиғи 90 см культиватор ишчи механизмларининг мақбул параметрлари асосида тайёрланди ва хўжалик синовлари ўтказилди. Кенг қамровли қатор оралиғи 90 см культиваторнинг ишчи механизмларини ишининг техник топшириқ талабларига мослигини баҳоланди. Культиваторни ишлаб чиқариш ва ишчи механизмларини йиғиш бўйича муаллифлик назорати.

Олинган натижалар бўйича 1 та республика илмий журналларда, 1 та халқаро конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган.

МВ-ҚХ-А-ҚХ-2018-189 “Соянинг оксил микдори, мойлилик даражаси юқори навларини асосий ва такрорий экин сифатида танлаш ҳамда уларни етиштириш агротехнологияси элементларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси, лойиҳанинг масъул ижрочиси, т.ф.д., к.и.х. К.Д.Астанақулов.

Сояни экиш бўйича механик ва пневматик сеялкалар, уни йиғиштириш бўйича ғалла комбайнларининг хўжалик синовларини ўтказиш дастурлари ишлаб чиқилди, сояни экиш ва йиғиштириш техника воситаларининг параметрлари ва иш режимларини аниқлаш бўйича назарий тадқиқотлар олиб борилди. Сояни экиш ва йиғиштириш бўйича техника воситаларининг хўжалик синовлари ўтказилди. Улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олинган натижалар бўйича 1 та хорижий ва 5 та республика илмий журналларда, 4 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган.

Инновация тадқиқотлари

И-КХ-2019-11 “Анор тупларини кўмадиган ва очадиган машиналар ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари, т.ф.д., к.и.х. Қ.Имомқулов.

Анор тупларини кўмадиган ва очадиган машиналарнинг тажриба нусхаси тайёрланди, унинг ишлаш шароитлари ўрганилиб дастлабки синовлари ўтказилди. Дастлабки синовлар натижалари бўйича анор тупларини кўмадиган ва очадиган машиналарнинг тажриба нусхалари ва конструкциялари такомиллаштирилди ҳамда уларнинг параметрларини аниқлаштириш бўйича тадқиқотларни ўтказилди.

Олинган натижалар бўйича 1 та хорижий ва 4 та республика илмий журналларда, 10 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган. Янги техник ечимга патент олиш учун 4 та талабнома жўнатилган.

И-ҚХ-2019-20 “Қишлоқ хўжалик экинлари уруғини тозалаш учун универсал қурилманинг тажриба нусхаларини тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари т.ф.н., к.и.х. А.Т.Росабоев.

Универсал қурилманинг тажриба нусхаси тайёрланиб, қишлоқ хўжалик экинлари уруғини тозалаш бўйича дастлабки экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Универсал қурилманинг тажриба нусхасида қишлоқ хўжалик экинлари уруғини фракцияларга ажратиб, ҳар хил аралашмалар ва бегона ўтлар уруғидан тозалаш бўйича кенг миқёсда экспериментал тадқиқотлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Универсал қурилманинг тажриба нусхалари деҳқон ва фермер хўжаликларида синовлардан ўтказилмоқда.

Олинган натижалар бўйича 1 та халқаро ва 2 та республика конференцияларда илмий мақолалар чоп этилган.

И-ҚХ-2019-29 «Разработка ресурсосберегающей технологии и технических средств для гладкой основной обработки почвы» лойиҳаси, лойиҳа раҳбари т.ф.д., проф. Р.И.Байметов.

Бурилма плуг учун асосий агротехник талаблар шакллантирилди. Плугнинг йиғма схемаси ва унга қўйиладиган асосий техник талаблар ишлаб чиқилди. Айланма ва бурилма плугларни ер участкалари контурларига боғлиқ ҳолда қўллашнинг қиёсий самарадорлиги ўрганилди. Кластер асосида пахта даласи агрофонини шакллантириш учун техник воситалар базавий комплексини ишлаб чиқишда унинг самарадорлигини ўрганиш учун тупроққа текис асосий ишлов бериш бўйича агротехник тажрибалар қўйилди.

Олинган натижалар бўйича 1 та хорижий ва 1 та республика илмий журналларда, 3 та республика конференцияларда илмий мақола чоп этилган.

И-ҚХ-2019-39 “Изыскание технологического процесса выделяемости посевных семян по энергетическому показателю потенциальных их возможностей” лойиҳаси, лойиҳа раҳбари т.ф.н., к.и.х. Ш.Г.Айдаров

Сопоставлением полученных с расчетными установлена эффективность выделяемости посевного материала по энергетическому показателю, разработана техническая документация на изготовление бункера-дозатора и начато его изготовление на тракторном заводе. Исследованы и обоснованы однослойные подачи опущенных семян не связанных их между собой, изысканы питающие устройства по обеспечению их выделяемости, отвечающих условию полноты их отбора на сортирующем органе согласно энергетическому показателю семян. Изготовлены детали бункера-дозатора, питатель дифференцированной однослойной подачи не связанных между собой опущенных семян на поверхность сортирующего органа. Завершено изготовление бункера-дозатора проводятся сборка и пусконаладочные работы в комплексе с электрическим сортирующим органом на основе изготовления общей компоновки рамы установки.

Олинган натижалар бўйича 1 та халқаро конференцияда илмий мақола чоп этилган.

MRB-CX-2019-24 «Обосновать технологический комплекс машин и оборудования для картофелеводства, овощеводства и садоводства Республики Узбекистан» халқаро лойиҳаси, лойиҳа раҳбари т.ф.д., проф. Р.И.Байметов.

Определен потребности в технических средствах механизации в целях принятия решений по техническому и технологическому перевооружению АПК. Разработан научных рекомендаций и предложения по организации локализованного производства приоритетных видов машин на базе промышленных предприятий республики. Разработан научных рекомендаций и предложения по организации локализованного производства приоритетных видов оборудования на базе промышленных предприятий республики. Формирован перечень сельскохозяйственных машин и оборудования для государственного субсидирования.

Олинган натижалар бўйича 1 та хорижий илмий журналда, 1 та республика конференцияда илмий мақола чоп этилган.

Тажриба-конструкторлик тадқиқотлари

ПЗ-201906193 “Бир ўтишда ғўза тупларидаги ҳосилнинг 96-98 фоизини териб оладиган пахта кўсақларига интенсив ишлов берувчи экспортбоп терим аппаратининг саноат нусхаларини яшаш, давлат ва дала синовларидан ўтказиш” тажриба-конструкторлик лойиҳаси, лойиҳа раҳбари т.ф.д., проф. М.Тошболтаев.

Кўсақларнинг 90 фоиздан ортиғи очилган далалардаги ҳосилни бир ўтишда 96-98 фоизини териб оладиган қатор ораси 90 см бўлган КИИБ аппаратининг саноат нусхаси конструкцияси учун дастлабки талаблар ва техник топшириқ ишлаб чиқилди. Қатор ораси 90 см бўлган юқори самарадор КИИБ терим аппарати саноат нусхасининг конструктив схемаси ишлаб чиқилди. Қатор ораси 90 см бўлган юқори самарадор КИИБ терим аппаратининг тажриба партиясини тайёрлаш учун техник шартлар ишлаб чиқилди ва саноат нусхаси тайёрланди. Қатор ораси 90 см бўлган юқори самарадор терим аппарати саноат нусхасининг дастлабки давлат синови ўтказилди ва оралиқ ҳисобот расмийлаштирилди.

Олинган натижалар бўйича 2 та республика илмий журналда, 2 та республика конференцияларда илмий мақола чоп этилган.

ПЗ-2019061718 “Ўза қатор ораларига ва очик майдонларга дон экадиган комбинациялашган агрегатнинг саноат нусхаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” тажриба-конструкторлик лойиҳаси, лойиҳа раҳбари т.ф.н. А.Караханов.

Ўза қатор ораларига ва очик майдонларга дон экадиган комбинациялашган агрегатнинг саноат нусхаси конструкциясини ишлаб чиқиш учун дастлабки талаблар ва техник топшириқ қайта ишлаб чиқилди, манфаатдор ташкилотлар билан келишилди ва юқори ташкилотлар томонидан тасдиқлатилди. Қайта ишланган ва тасдиқланган дастлабки талаблар ва техник топшириқ асосида ғўза қатор ораларига ва очик майдонларга дон экадиган комбинациялашган агрегат саноат нусхасининг конструктив схемаси ишлаб чиқилди. Ўза қатор ораларига ва очик майдонларга дон экадиган комбинациялашган агрегатнинг саноат нусхасини тайёрлаш учун техник шартлар тузилди. Ишлаб чиқилган конструктив схема (чизмалар) ва техник шартлар асосида комбинациялашган агрегатнинг саноат нусхасини тайёрлаш ишларига киришилди ва давом эттирилмоқда.

Олинган натижалар бўйича республика илмий журналда 1 та мақола ҳамда 1 та монография чоп этилган.

II. Институтда эришилган натижаларни кўргазмалар ва оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот қилиш ишлари

Институт олимлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари бўйича Scopus/WoS/Springer базасига кирувчи ҳамда импакт факторли хорижий журналларда **14 та**, МДХда чоп этиладиган журналларда **12 та**, ОАК рўйхатига киритилган маҳаллий журналларда **40 та**, халқаро конференцияларда **13 та**, республика миқёсида ўтказилган конференцияларда **76 та** илмий мақолалар чоп этилиб, **4 та** чуқур илмий аҳамиятга эга монография нашр этилган.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан **2 ихтирога** патент олинди, **14 та** талабнома топширилган.

Институт олимлари томонидан 2020 йилда техника воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги амалий-илмий семинарлар ташкил этилди:

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимидаги Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида медиа-тур ўтказилди. Унда илмий муассасада фаолият кўрсатаётган олимларнинг сўнгги йилларда яратган фермербоп, импорт ўрнини босадиган, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича технологик хариталарда белгиланган агротехник операцияларни оптимал муддатларда ва талаблар даражасида бажарадиган, металл, ёнилғи-мойлаш материаллари, маблағ ва меҳнат сарфи каби ресурсларни тежайдиган, иш унуми юқори трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг янги намуналари намойиш қилинди.

2020 йилнинг 14-15 август кунлари Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида “Ресурстежамкор ва фермербоп қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” мавзусидаги Республика илмий-техник конференцияси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика худудларида пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 январдаги 21-сон қарорини бажариш юзасидан “Ўзагросаноатхолдинг” АЖ бошқарув раиси томонидан 2020 йил 19 январда тасдиқланган 3-сон йиғилиш баёнида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзагросаноатхолдинг” акциядорлик жамияти, “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Пахта териш машиналарига сервис ва таъмирлаш хизматларини кўрсатиш ва уларни бошқаришда малакали муҳандис-механик ҳамда операторларни қайта тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисидаги” қарорига кўра институт олимлари томонидан Қашқадарё вилояти Бешкент қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида муҳандис-механик ҳамда операторлари учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

III. Институт тажриба участкаси фаолияти тўғрисида маълумот

ҚХМИТИ тажриба участкасига қарашли ер майдонларидан тадқиқот мақсадларида самарали фойдаланиш бўйича йиллик режа дастур ишлаб чиқилган ва 2020 йилда давлат грантлари кесимида ҳамда бошқа тажрибалар учун тақсимланган.

Мавжуд ер майдонларига йиллик режа дастурга биноан қишлоқ хўжалик экинлари: 19 га ғалла, 8 га пахта, 1,5 га хашаки лавлаги, 1,0 га қовок, 14,4 га маккажўхори, 16 га рож ва 19,0 га кўп йиллик ўтлар (беда) жами (78.9 га) майдонга жойлаштирилган ҳамда экинлар агротехника қоидалари бўйича парваришланган.

2020 йил ҳосили учун экилган 19 га ғалла майдонидан 30 ц/га ўрнига 43,15 ц/га, яъни жами 82 тонна буғдой ҳосили олинди, режа 143,8 фоизга бажарилган.

8 га майдонда 26 ц/га ўрнига 28,9 ц/га, яъни жами 23,1 тонна пахта топширилиб, режа 111,1 фоизга бажарилган.

Чорва учун озуқа ишлаб чиқариш бўйича йиғим-терим ишларида қуйидаги натижаларга эришилди: маккажўхори силос учун 14,4 га, такрорий экин сифатида 15 га экилган бўлиб, 709 тонна силос тайёрланган. Бир йиллик ўтлар (рож) 16 га силос учун экилган бўлиб, 150 ц/га ўрнига 170,0 ц/га, яъни 275,0 тонна кўк масса йиғиштирилган ва режа 113,3 фоизга бажарилган. 1,0 га майдонда хашаки қовок етиштирилган бўлиб, режадаги 55,0 тонна ўрнига 45,0 тонна ҳосил олинган, режа 81,8 фоизга бажарилган. 1,5 га майдонда хашаки лавлаги етиштирилган бўлиб, 20,0 тонна т/га режалаштирилган ва 60 тонна ҳосил йиғиштирилиб, режа 200 фоизга бажарилган. Кўп йиллик ўтлардан беда 19 га ерда етиштирилган бўлиб, сенаж режа бўйича 320 ц/га ўрнига 334,0 ц/га, яъни 635,0 тонна кўк масса йиғиштирилиб олинди, режа 104,4 фоизга бажарилган.

ҚХМИТИ тажриба участкаси чорва фермасида 192 бош қорамол бўлиб, шундан сигирлар 60 бош, соғин сигирлар 49 бошни ташкил қилади. Олинган бузоқлар сони 33 бош. 12 ой давомида 67,2 тонна сут маҳсулоти ишлаб чиқилди. Гўшт ишлаб чиқариш тирик вазнда 33,0 тоннани ташкил қилди.

IV. Вазирлик ва фермерларга тақдим этилган таклиф ва тавсиялар тўғрисида маълумот

Институт олимлари томонидан 2020 йилда техника воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги тавсиялар тайёрланди ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги орқали республика фермер хўжаликлари ва агрокластерлар ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун тақдим этилди:

1. Ерларни экишга тайёрлаш (Тавсиялар);
2. Ерларни эрта кўкламда бороналаш;
3. Чигит экиш ва ғўза кўчатларига биринчи ишлов бериш сифати (Тавсиялар);
4. Кенглиги 76 см бўлган ғўза қатор ораларига ишлов берадиган культиваторни ишлатиш бўйича тавсиялар;
5. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш тадбирларини сифатли бажариш (Тавсиялар);
6. Интенсив боғдорчиликни ривожлантириш давр талаби (Тавсия);
7. Ғўзани машинабоп қилиб парваришлаш бўйича тавсиялар;
8. Озуқа ўриш-йиғиш машиналарини унумли ишлатиш бўйича тавсиялар;
9. Кузда ерларни сифатли ва чуқур шудгорлаш бўйича тавсиялар;
10. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фундаментал тадқиқотлар самарасини баҳолашга доир тавсиялар.

“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” ва “Агро илм” журналларининг 2020 йилдаги деярли барча сонларида қишлоқ хўжалиги ходимлари, фермерлар, механизаторлар учун қишлоқ хўжалигида бажариладиган агротехник тадбирларда

техникалардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш ва сақлаш бўйича тавсия характеридаги мақолалар чоп этилди.

Шунингдек, М.Тошболтаев, А.Садыровларнинг “Научно-технические методы совершенствования технологий и машин для укрепления кормовой базы аридного животноводства”, А.Тўхтақўзиев, А.Қорахонов А.Ибрагимовларнинг “Ўза қатор ораларига ишлов бериш ва донни қаторлаб экиш учун комбинациялашган агрегат ишлаб чиқишнинг илмий-техник ечимлари”, А.Тўхтақўзиев, М.Т.Мансуров, А.Р. Расулжоновларнинг “Иш органлари рамага кўзгалмас бириктирилган тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлиги барқарорлигини таъминлашнинг илмий-техник ечимлари”, А.Тўхтақўзиев, М.Т.Мансуров, Д.Каримоваларнинг “Иш органлари рамага кўзгалувчан бириктирилган тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлиги барқарорлигини таъминлашнинг илмий-техник ечимлари” ва А.Тўхтақўзиев, М.Мансуров, А.Расулжонов, Д.Каримоваларнинг “Тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлиги барқарорлигини таъминлашнинг илмий асослари” мавзусидаги монографиялари чоп этилиб, соҳа мутахассислари ҳамда олий ўқув юр்தларига тақдим этилди.

V. Илмий ишланмаларнинг қишлоқ хўжалигига жорий этилганлиги тўғрисида маълумот

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги 45-сонли қарорида институтда яратилган янги машиналарнинг тажриба нусхаларини “Ўзавтосаноат” АЖнинг машинасозлик корхоналарида яшаш ва давлат синовларига тақдим этиш белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, тегишли режа ишлаб чиқилган ва у амалга оширилмоқда. Охириги 3 йилда 30 та илмий ишланма амалиётда фойдаланиш учун “Ўзавтосаноат” АЖга топширилган. Жумладан,

СЗХ-3,6 ўза қатор ораларига бирийўла ишлов бериб, донни қаторлаб экиб кетадиган комбинациялашган агрегат “Агрегат заводи” АЖ томонидан тўлик ўзлаштирилган ва ишлаб чиқариши йўлга қўйилган. Бундан ташқари “Агрегат заводи” АЖ да PMS-4 пневмомеханик сеялка, КК-2 энергия-ресурстежамкор картошка ковлагич, майда уруғларни очиққа ва плёнка остига аниқ экадиган сеялка ва тупроққа минимал ишлов бериш ва такрорий экинларни экиш агрегатларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тадбирлари олиб борилмоқда.

“БМКБ-Агроташ” АЖда ЭЧС-М такомиллаштирилган уруғлик чигит саралагич, майда уруғларни саралайдиган ва карантин қўшилмалардан тозалайдиган трибоэлектрик қурилма, уруғларга ишлов берадиган кўчма қобиқлаш қурилмаси, чўл яйловларида пичан жамғарувчи ўргич-тўплагич, чўл яйловларни яхшиловчи машиналарининг тажриба партияларини ишлаб чиқариш масалалари кўриб чиқилмоқда.

“Чирчиқ қишлоқ хўжалик техникаси заводи” АЖ Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган ГРП-3/5 чуқур юмшаткич, ПД-4-45 икки ярусли плуг ва РВН-8,5 юмшаткич-текислагич ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ҳамда МР-2/3-45 икки ярусли плуг, АМР-2/3-45 айланма икки ярусли плуг, О’Р-4/5-40 умумий ишларга мўлжалланган плуг, О’Р-3/4-40 ва О’РZ-3/4-40 умумий ишларга мўлжалланган плуглар, КМ-3,0 ерларга экиш олдидан ишлов берувчи комбинациялашган машина, дискли плуг, кенг қамровли чизел-култиватор, комбинациялашган дискли борона, пушталарга

ҳажмий ишлов берадиган қурилма, пушта олишда бир йўла ўғит солиш қурилмаси, КМ-3,6 комбинациялашган машина ва лалми ерлар учун комбинациялашган экиш агрегатларининг тажриба партияларини ишлаб чиқариш масалаларини кўриб чиқмоқда.

“Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси заводи” АЖда кенг қамровли пахтачилик машиналари учун юқори манёврли чопиқ трактори, баланд агротехник тирқишга эга тўрт ғилдиракли универсал чопиқ трактори, ТТЗ-100SP сабзавотчилик полизчилик универсал-чопиқ трактори, КИИБ пахта кўсақларига интенсив ишлов берувчи терим аппарати, тик шпинделли пахта териш аппарати учун пахтани ерга тўкилишини камайтирувчи қурилма, пахта териш аппаратининг кириш шчитоклари учун йўналтирувчи элементлар, пахта териш машинаси учун қаторлар юзасини андозалаш қурилмаси ва тик шпинделли пахта териш машинаси учун шпинделларни ювиш ва тозалаш тизимининг тажриба партияларини ишлаб чиқариш масалаларини кўриб чиқмоқда.

VI. Институт ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган тадбирлар ҳақида маълумот

Институт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 2020 йилда оилавий шароити оғир бўлган ходимларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олишлари, даволанишлари учун ҳамда тўй ва мотам тадбирлари учун 18 нафар ходимга моддий ёрдам ва юбилей саналари муносабати билан 6 нафар ходимга мукофотлар берилди.

8 март хотин қизлар байрамига 32 та аёлларга мукофотлар берилди. 15 октябрда “Халқаро қишлоқ аёллари куни” га бағишланган тадбир ўтказилиб, 32 та аёлларга байрам муносабати билан совғалар берилди.

Институт ходимларига чорва фермасидан йил давомида 7200 литрдан зиёд сут ва 1351 кг гўшт арзонлаштирилган ҳолда берилди.

Институт ходимларининг спорт билан шуғулланишлари учун спорт анжомлари олиб берилди. Институтнинг 4 нафар ходимига санаторияларга жумладан, 2 та имтиёзли ва 2 та текин йўлланмалар олиб берилди.

Ходимларни пандемия шароитида соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида институт бинolari дизенфекция қилиниб, керакли прибор ва дори-дармонлар харид қилиниб, антисептиклар билан доимий равишда таъминлаб турилди.

Янги йил арафасида ходимларнинг фарзандлари учун янги йил совғалари олиб берилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2009 йил 29 сентябрдаги қўшма қарори асосида қабул қилинган “Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом”га асосан институтда 2019 йилда самарали меҳнат қилган 33 та илмий ходим мукофотланди.

VII. Илмий-тадқиқотлар ва хорижий алоқаларни мувофиқлаштириш

Институтда хорижий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳаси ривожланган давлатлар илмий тадқиқот институтлари ва марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича 2020 йил учун чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан тасдиқланган. Россия, Украина, Қозоғистон давлатларидаги Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасидаги илмий тадқиқот институтлари ва марказлари билан ҳамкорлик бўйича истиқболли таклифлар тайёрланди ва ўзаро шартномалар тузилди.

Институтда 2019-2021 йилларда Беларус Республикасининг “Беларус Миллий Фанлар академиясининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-амалий маркази” Республика унитар корхона билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикаси картошқачилиги, сабзавотчилиги ва боғдорчилиги учун машина ва жиҳозларнинг технологик комплексини асослаш” мавзусидаги бажарилаётган илмий-амалий ҳамкорлик лойиҳасининг 2020 йил дастури асосида тадқиқотлар олиб борилди.

Институт директори бошчилигидаги делегация 2020 йил 24-27 феврал кунлари “Белорус-Ўзбек аграр форуми” да иштирок этишди. Форум натижалари асосида “Беларус Миллий Фанлар академиясининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-амалий маркази” Республика унитар корхонаси билан икки томонлама илмий-техник ҳамкорлик бўйича шартнома тузилди.

16-19 июлда бўлиб ўтган биринчи виртуал кўргазма «Made in Belarus#Agrofood» жумладан “Қишлоқ хўжалик техникалари ва дасгоҳлари” павилёнида 20 дан ошиқ институт илмий ходимлари рўйхатдан ўтди ва катнашишди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қишлоқ хўжалик соҳасининг ривожлантириш фонди (IFAD) билан онлайн видеоконференция бўлиб ўтди, унда Илмий ишланмалар ва хорижий алоқаларни мувофиқлаштириш бўйича мутахассис О.Очилдиев ва катта илмий ходим Ф.Муродовлар иштирок этишди.

Институтда бажарилаётган тадқиқотлар асосида SCOPUS, Web of Science ва бошқа халқаро индексацияланадиган хорижий нашрларда 10 дан зиёд илмий мақолалар чоп этилди ҳамда тайёрланган диссертация авторефератларига 6 та хорижий илмий муассасаларидан тақризлар олинди.

Институтниг барча ёш илмий ходим, докторантлар ва мутахассислар илмий салоҳиятларини оширишлари учун online иловалар орқали ҳамда мустақил равишда инглиз ва рус тилларни ўрганишмоқда.

VIII. Институтни ёш илмий кадрлар билан таъминлаш ва юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш

Институтни ёш кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириб бориш мақсадида тадқиқотларни бажариш учун ҚХФ-2-001 фундаментал, ҚХ-Атех-2018-152, ҚХ-Атех-2018-(155+393), ҚХ-Атех-2018-(154+156), ҚХ-Атех-2018-

(226+230), МВ-Атех-2018-242, МВ-Атех-2018-(60-223), МВ-ҚХ-А-ҚХ-2018-189 амалий, И-ҚХ-2019-20, И-ҚХ-2019-29, И-ҚХ-2019-39 инновация ва MRB-СХ-2019-24 халқаро лойиҳаларига жами 13 нафар ёш тадқиқотчилар жалб этилган.

Вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёш истикболли ва истеъдодли бакалаврият ва магистрантларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш борасида илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш мақсадида ТошДАУ ва ТИҚХММИнинг тегишли кафедралари билан ҳамкорлик ўрнатилган.

2020 йилда институт олимлари ТошДАУ ва ТИҚХММИ ва бошқа ОТМларни битираётган бакалаврларнинг битирув-малакавий ишлари, магистрларнинг диссертациялари ҳимояларида бевосита қатнашиб, истеъдодли бакалаврият ва магистрантларни ҚХМИТИга илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришди.

Ҳисобот йилида ҚХМИТИда жами 22 нафар, шундан 2 нафар докторант, 9 нафар таянч докторант ва 11 нафар мустақил изланувчи изчил тадқиқотлар олиб боришди. Ҳисобот йилида ҚХМИТИда диссертация ишларини бажарган 8 нафар талабгор фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилди, 2 нафар илмий ходимнинг диссертация иши иш бажарилган ташкилот сифатида институт Илмий-техник кенгашида кўриб чиқишга қабул қилинди. 6 нафар илмий ходимлар катта илмий ходим илмий унвонига сазавор бўлдилар.

IX. Институт томонидан 2020 йилда йўл қўйилган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича 2021 йил учун мўлжалланган тадбирлар

Институт фаолияти бўйича қуйидаги камчиликларни кўрсатиш ўринли бўлади:

1. Институтда ривожланиб бараётган мева-сабзавот, полиз ва картошкачилик йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари кўлами етарли даражада эмас;
2. Институтда қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича етакчи хорижий ташкилотлари билан ҳамкорликдаги лойиҳалар сони кам.
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнларининг самарадорлигини, жумладан, ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда ахборот технологияларини қўллаш ва агротехнологик тадбирларни комплекс автоматлаштириш ҳисобига оширишга қаратилган инновацион ишлар амалга оширилмаган.
4. Институт биносини капитал таъмирлаш, моддий-техника базасини янгилаш ва мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар суғ бажарилмоқда.
5. Институтда хўжалик ҳисобидан маблағ топиш ишлари талаб даражасида эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб 2021-2022 йилларда институтда қуйидаги ишларни амалга ошириш белгиланди:

1. Республика ҳудудларидаги агрокластерлар билан илмий-техник ва ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш.

2. Институт таркибида янги “Боғдорчилик ва сабзавотчиликни механизациялаш” ва “Чорвачиликни механизациялаш” лабораторияларини илмий ходимлар, моддий-техника воситалари билан бутлаш ва шу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш;

3. Институтда қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича етакчи хорижий ташкилотлари билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни кўпайтириш.

4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнларининг самарадорлигини, жумладан, ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда ахборот технологияларини қўллаш ва агротехнологик тадбирларни комплекс автоматлаштириш ҳисобига оширишга қаратилган илмий лойиҳаларни шакллантириш.